

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

БУХОРО YOSHLARI

2024-YIL,
AVGUST, № 14-15
(524-525)

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy, adabiy-badiiy gazeta



ОЛИМПИА – СИТОРАГА БОЙ БЕРДИ

ДИЁРА – ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ЮТДИ

Аллим, тик турдингми, бугун гўрингда,
Ириб тушмоқдами бошингда фалак?
Аёлга мушт урар Олимп рингида,
Эркаклик қавмига иснод капалак...

Эркак аёлман, деб бошляпти баҳс,
Етдимки оламнинг бўзгача кир?
Олимп жангига ҳам кириб келди наҳс
Одам бўлолмадик, Худойим, кечир.

Ўт кетди. Куймоқда бу қандай замон?
Титрар қабохатдан озурда кўнглим.
Тубанлик юзига зарб берганинг он,
Биз учун галаба қилганинг, Синглим!

Кўёш ер қағрида қолмагай ботиб,
Нур албат, тантана қилар дунёда!
Мудраган оламни кўйидинг уйғотиб,
Сен ютдинг! Ютқазди Олимпиада.

Кўчқор Норқобил



ДИЛНАВОЗ – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Яқинда “Кибермаданиятни ривожлантириш ойлиги” – “Cyber-month Bukhara” комплекс тарғибот-ташвиқот доирасидаги танлов якунланиб, ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

“Энг яхши миллий контент” йўналишида Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси муассислигидаги “Вихоро yoshlari” газетаси мухбири Дилнавоз Тўхтаева 3-даражали Диплом ва кимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Ёш журналистга муваффақият тилаймиз!



Диёра Келдиёрова – Париж-2024 ёзги Олимпиада ўйинларида ютди. Ўзбекистон тарихида ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медал ютган илк аёл спортчига айланди. Париждаги медаллар ҳисобини очган 26 ёшли дзю-доччи чемпионликкача ўз вази тоифасида жаҳоннинг энг кучли атлетларини мағлуб этиб, Францияда Ўзбекистон мадҳияси янграшига сабаб бўлди.

Диёра Келдиёрованинг Олимпиада чемпионлигига эришган кимоноси халқаро Олимпиада қўмитаси музейига топширилди. Энди унинг кимоноси Швецариянинг Лозанна шаҳрида сақланади.

МАКТАБ ФОРМАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА МАЖБУРИЙ БЎЛМАЙДИ

2018 йилда Хукумат томонидан ягона мактаб формаси намуналари тасдиқланган бўлса-да, уларнинг мажбурий жорий этилиши 2024/2025-ўқув йилига кечиктирилган эди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Азамат Камоловнинг маълум қилишича, жорий йилда мактаб формалари мажбурий тарзда жорий этилмайди.



ФАН ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Мирали Ҳамроев Республика ва халқаро фан олимпиадалари совриндорлари ҳамда уларнинг устозлари тақдирланганини маълум қилди.

Фан олимпиадаларида ўлкамиз нуфузини шарафлаб келаётган бухоролик ўқувчилар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Жорий йилда Туркменистон давлатида ўтказилган халқаро математика мусобақасида иштирок этган 8 нафар бухоролик ўқувчиларнинг 7 нафари ғолибликни қўлга киритди. Буюк олим, тиббиёт илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадасида 18 та давлатдан 30 та жамоаларда 105 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Бунда 4 нафар бухоролик ўқувчилар ғолиблар

сафида бўлишди. Халқаро фан олимпиадаларида эса 20 та медал жамғарилди. - Бухоро шаҳридаги “Саҳид Заррафшон” меҳмонхонасида Халқаро ва республика олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар ва уларнинг устозларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Билимда пешқадам ёшларимизнинг келгусида жамиятнинг энг олди касбу-кор эгалари бўлиб етишишларига ишонамиз. Ўғил-қизларимизга кўз тегмасин!- дейди Мирали Ҳамроев.

Таълим олиш ҳам умр, ҳам кўнглини ёритувчи шамчирокқа ўхшайди. Унинг ёруғлиги қаерда баландроқ бўлса, одамлар ўша ерга талпинади. Қоровулбозор туманида йилдан-йилга таълим сифати ошиб, ўқув муассасаларида имкониятлар кенгайиб бормоқда. Хусусан, тумандаги "Имом Бухорий" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 8-ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактабида инвестиция Дастури асосида янги ўқув биносининг қурилиш ишлари алақачон бошланган. Ўқувчилар сонининг ортиб бораётгани туфайли ушбу мактабда янги ўқув биноси қуришга эҳтиёж туғилган.

Қоровулбозорда ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИ

Мактабда 60 нафар ўқитувчи фаолият юритади. Ориф Пирнафасов, Бунёд Турдиев, Нафиса Рустамова, Исоқ Примов сингари ўқитувчилар ҳар жиҳатдан фаоллик билан ўқувчиларни таълимга жалб этиб келишмоқда. Уларнинг сайъ-ҳаракати ва меҳнати билан бугунги кунда ўқувчилар турли танлов ва мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида 50 нафар ўқувчи мактабни битирган бўлса, шундан 12 нафари муддатидан олдин талабалikka муваффақ бўлди.

Мактабимиз 520 нафар ўқувчига мўлжалланган. Шунга қарамай, ҳозирга қадар 800 дан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Чунки мактаб туман марказида жойлашгани билан чекка қишлоқлардан, қолаверса, бошқа вилоятлардан ҳам ўқувчилар келиб таҳсил олишмоқда. Таълим жараёнида синф хоналари етишмаслигидан бироз қийинчиликка дуч

келардик. Қурилаётган қўшимча бинода ўқувчилар 8 та ёруғ ва кенг синф хоналарида қулай ўқиш имкониятига эга бўлишади. Янги бино 240 ўринга мўлжалланган ва 2 қаватдан иборат. Бино 23x16 квадрат метр майдонда барпо этилмоқда. Лойиҳа қиймати 3 миллиард 120 миллион сўмни ташкил этади. Қурилиш ишлари "Чилонзор қурилиш мега строй" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда, дейди мактаб директори Азиз Примов.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Ислоҳ Каримовнинг маълумот беришича, қурилиш жараёни бошланиб, дастурга кўра, 5 ойда қуриб битказилади. Унга қадар қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилади. Ноябрь ойининг илк куниданоқ, мактаб ўқувчилари янги бинодан фойдаланиш имконига эга бўлиши кутилмоқда.

Зулфизар Мавлонова,
"БҮО" мухбири.

Етакчи елкасидаги ЗАЛВОРЛИ ЮК

"Эртанги кунимиз эгалари ёшлар билан ишлаш – биз учун ҳаёт-мамонт масаласи, хавфсизлигимиз масаласи"



"Раҳбар ва ёшлар" учрашувида маҳалла ёшлар етакчилари сўзга чиқиб, фаолиятлари давомида амалга оширган ишлари, ёшларни қўллаб-қуватлаш борасидаги таклифларини билдириб ўтишди.

Бир инсонни яқиндан билиш, унинг дардини эшитиш, вазият билан боғлиқ жиддий қарор қабул қилишда ўша инсон билан юзма-юз гаплашиб олишдан яхшироқ

лоийҳаларда юзлаб иқтидорли келажагимиз эгалари қамраб олинди. Тизимли ва самарали ишлар амалга оширилди. Интилувчан, ўқиш истагини билдирган ёшлар бепул ўқув курсларга бириктирилди, ишсиз ёшлар эса иш билан таъминланди. Учрашувда бу каби маълумотларга алоҳида урғу берилиб, ёшлар етакчиларининг келгусидаги ишларига ҳам ишонч билдирилди.

Учрашув давомида Канада давлатида ўқиб, ўша мамлакатда иш фаолиятини олиб бораётган гиждунонлик Индира Сайфиева билан онлайн мулоқот ташкил этилди.

Индира Сайфиева ёшларга ўзининг эришган ютуқлари, чет тилини ўрганишнинг муҳим аҳамияти, ёшлиқдан мукамал даражада билим олиб бориш долзарблиги ҳақида ўз фикрларини билдирди.

"Раҳбар ва ёшлар" учрашувида маҳалла ёшлар етакчилари сўзга чиқиб, фаолиятлари давомида амалга оширган ишлари, ёшларни қўллаб-қуватлаш борасидаги таклифларини билдириб ўтишди.

Ёшлар сиёсатини амалга оширувчи биз каби ёшлар етакчиларининг чекига қанчалик залворли юк борлигини мана шундай очик мулоқотларда чуқур идрок қилади киши, деди гиждунонлик фаол ёшлар етакчиси.

Дилнавоз Тўхтаева,
"БҮО" мухбири.

Юртбошимиз раҳбарлигида "Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари"га бағишланган видеоселектор йиғилишида "Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар билан ишлаш – биз учун ҳаёт-мамонт масаласи, хавфсизлигимиз масаласи" экани таъкидланди.

усул йўқ. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва бартараф қилиш мақсадида Гиждунон туман ҳокими Шерзод Ашуров ва 4 та сектор раҳбарларининг ёшлар билан ўтказган учрашуви гиждунонлик ёшлар учун аини муддао бўлди.

Бугунги кунга қадар тумандаги маҳалла ёшлари билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш бўйича амалга оширилган

Маҳалла - Ватан ичра кичик ватан



Маҳалламиз ёшларининг эришиб келаётган ютуқлари қалба қувонч, гурур, халқимиз олдидаги бурчга бўлган шараф ҳисларини уйғотади. Маҳалла Ватан ичра кичик ватандир. Унинг ободлиги учун ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ёшлар етакчиси сифатида "Билганингни элдан аяма" шиори асосида фаолият юритиб келмоқдаман. Зеро, маҳалламиз ёшларининг эришиб келаётган ютуқлари, нафақат, уларнинг, бизнинг, балки халқимизнинг ҳам ютуқларидир.

Маҳалламизда 1850 нафар ёшлар истиқомат қилишади. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлашга, талаб ҳамда таклифлари юзасидан ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдаман. 40 нафар ёшга 30 сотихгача ер майдонлари ажратиб берилди. Ҳозирги вақтда ёшлар ерга турли хилдаги экинлар экишган ва ундан унумли фойдаланиб келишмоқда. Нафақат, оила бюджетига ҳисса қўшмоқда, балки тенгқурларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишларига ҳам эришишмоқда. Ҳеч бир ёшнинг четда қолдирмаслик мақсадида ногиронлиги бўлган, кам таъминланган ёшларга моддий ёрдам, озик-овқат махсулотлари мунта-



Маҳалламизда 7585 нафар киши истиқомат қилади, улардаги 1851 нафар ёш, жумладан, 29 нафар "Қизил", 249 нафар "Сариқ" ва 1570 нафар "Яшил" тоифадаги ёшлар рўйхатга олинган бўлиб, улар билан доимий равишда иш олиб борилмоқда.

зам етказиб бермоқдамиз. Давлат кўмагига муҳтож оғир тоифадаги 19 нафар ёшнинг муаммолари юзасидан кенг қўллаб-қуватлаш амалга ошираётган бўлса, шулардан 11 соҳасига қизиқувчи 1 нафар ўсмиримизга компьютер тўла олиб бердик. Худди шундай тоифадаги 5 нафар ёшимизга эса, бириктирилган раҳбар томонидан контракт пуллари тўлаб берилди.

Маҳалламиз ёшлари ҳар жаҳада илғор. "Беш ташаббус" олимпиадасида иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашди. "Беш ташаббус параолимпиадаси"нинг стол тенниси тури бўйича Санжар Саломов вилоятда фахрли биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўллангани қўлга киритди.

Замон шиддат билан ривожланиб бораётган экан, замонавий касблар ва хорижий тилларга бўлган талаб ҳам ошмоқда. Шу сабабдан ёшларимизни замонавий касблар ҳамда хорижий

тиллари ўрганишга жалб қилиш орқали бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эдим. "Ibrat academy" иловаси ҳақида уларга маълумотлар бердим ва 385 нафар ёшимиз рўйхатдан ўтишди. Ҳозирда 150 нафар ёшимиз сертификат олишган. Улар билан бир қаторда ўзим ҳам инглиз тилини ўрганиб, сертификатга эга бўлдим. "Мутолаа" лойиҳасининг тарғибот ишларини амалга оширдим ва аини дамда 570 нафардан ортиқ ёшимиз бу илова орқали ўзларига керакли бўлган адабиётларга эга бўлишмоқда. Мамлакатимиз келажаги шу ёшларимиз қўлида экан, уларни ҳар томонлама етук, билимли, юксак салоҳиятли қилиб тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Фарҳод Нарзуллаев,
Бухоро шаҳридаги
Шайхон маҳалласи ёшлар
етакчиси.



“ИБРАТ сардорлари” - “супер” даражада

Хабарингиз бор, ёшлар орасида тил билиш маҳоратини мустаҳкамлаш, уларни чет тилларини осон ва мукамал тарзда ўзлаштиришларида кўмаклашиш учун Ёшлар ишлари агентлиги томонидан “Ибрат фарзандлари” платформаси яратилган. Платформадан фойдаланувчи ёшларнинг сони ҳамда сертификат эгалари кўплиги билан Ёждувон туман Республикада биринчи ўринда турибди.

“Ёждувон тажрибаси” сифатида Республикада биринчилардан бўлиб “Ибрат сардорлари” фаолияти ташкил этилган муносабати билан Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев Ёждувон ёшлари билан онлайн тарзда мулоқот қилди. Учрашувда айнан Ёждувон ёшларининг фаолиги, уларни чет тилларини ўрганиш борасидаги қизиқишлари, ёшларни келажакдаги истаклари ва режалари ҳақида самимий мулоқот ўтказилди. Мулоқот

давомида “Ёждувон тажрибаси” сифатида ташкил этилган “Ибрат сардорлари”нинг фаолияти билан яқиндан танишилди. Сардорлар айнан “Ибрат” платформаси орқали тенгдошларига чет тилларини ўрганишларида кўмаклашаётгани айтилди. Бунинг натижасида туманда чет тилларини мукамал даражада ўрганаётган ёшлар сони ошиб бораётгани таъкидланди.

Ёшлар томонидан берилган қатор таклифларни амалга ошириш бўйича алоҳида йўл харитаси тузилиши

билдирилиб, фаол сардорлар чет тили бўйича билимларини мустаҳкамлашлари ва тажриба алмашишлари учун “Ибрат оромгоҳи”га таклиф қилинди.

Бўстонлик туманидаги оромгоҳда ажойиб муҳит ва табиат қўйнидаги “Ibrat Camp”нинг маҳорат дарслари “супер” даражада ёшларга мотивация берди. Ибрат оромгоҳи ташкилотчилари бир-бирдан ажойиб “эвент”ларни тақдим этишди. Мотиваторлар, волонтерлар мактаби, чет мамлакатда ўз билими билан грант асосида ўқиб келган ёшлар билан ташкил этилган суҳбатлар ёшларга катта мотивация берди.

Шавқиддин Сафаров,
Ёждувон туман Қорабоғ
маҳалла ёшлар етакчиси.

Жорий йилнинг 20 феврал куни давлат раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бюджет ташкилотларига 20 минг нафар, банкларга 1000 нафар ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш вазифаси юклатилган эди.

Умида Раупова: “ИРОДАМ ЁРДАМ БЕРЯПТИ...”

Шундан сўнг электрон сўровнома асосида хатлов ўтказилиб, 73 минг нафар давлат ташкилотларида ишлаш истаги бор ишсиз, ногиронлиги бор шахсларнинг маълумотлари шакллантирилди. Улар орасида болаликдан ногиронлиги бўлган, Когон шаҳридаги Мирзо Улугбек маҳалласида истиқомат қилувчи Умида опа Раупова ҳам бор. Умида опа 1974 йилда туғилган, ўз вақтида Маданият техникумининг кутубхоначилиги мутахассислиги бўйича тамомлаган. 23 йил давомида умумий ўрта таълим мактабларида кутубхоначи бўлиб ишлаган.

У яқинда ногиронлиги бўлган шахслар учун vasancy.argos.uz платформаси орқали эълон қилинган бўш иш ўринларидан бирига ариза топшириб, очиқ танловларда суҳбатдан ўтган. Когон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабига кутубхоначи лавозимига ишга қабул қилинган.

- Узоқ йиллар давомида соҳам бўйича ишладим, - дейди Умида Раупова, - Сўнгги йилларда эса соғлигим анча ёмон-



лашиб, ишдан кетишга мажбур бўлган эдим. Даволанишлар натижасида ўзимга келган бўлсам-да, аммо, ўзимга мос иш топиш муаммо эди. Худудимиздаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари барча корхона ва ташкилотларда мен каби ногиронлиги бўлганлар учун бўш иш ўринлари эълон қилинганини айтганида, қизиқиб кўрдим. Ариза қолдирдим ва суҳбат

асосида ишга қабул қилиндим. Бир ўғлим бор. Ҳозирда Тошкент Ахборот технологиялари университетида тахсил оляпти. Шу ўғлимнинг келажаги учун ҳам ишлашим керак. Касал бўлишга, ётиб қолишга ҳақим йўқ. Иродамни мустаҳкамлашга, касаллик билан курашишга айнан мана шу ишим ёрдам беряпти.

Зарнигор Нафиддинова

Етакчи: “Муваффақиятга ҲАРАКАТ БИЛАН эришилади”

Юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади.

Давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, жаҳон ҳамжамиятини ёш авлод турли бузғунчи ғоялар ва радикал гуруҳларга қўшилиб кетишининг олдини олишга чақирмоқда. Асосий эътиборни маърифатга, ёшларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига қаратиш лозимлигини жонкуярлик билан таъкидламоқда. Бу бежиз эмас, албатта. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар.

Бугун биз ҳар жабҳада илм-фан, маданият, спорт, санъат соҳаларида, ижод оламида катта ютуқларни қўлга киритиб, юксак муваффақиятларни қайд этаётган ёшларни кўришимиз, шубҳасиз. Улар ўзларининг эртанги кунини учун бугундан ҳаракат қилиб, ўзлари қизиққан соҳанинг келажакдаги етуқ мутахассиси бўлиш мақсадида тинмай ҳаракат қилишмоқда. Ижодий фаолиятлари орқали катта саҳналарни забт этишмоқда.

Шундай ёшлардан бири Бухоро вилояти Профессинал таълим ҳудудий бошқармаси Ёждувон туман 3-сон касб-хунар мактаби ёшлар етакчиси Оғабек Ҳодиевдир.

Оғабек ўз фаолияти даврида ёшлар билан ишлаш жараёнида кўпроқ ёшларнинг қизиқишларига эътибор қаратади. Бутун у етакчилик қилаётган касб-хунар коллежида 500 га яқин ёшлар тахсил олмоқда. Улар турли хил лойиҳалар ва кўрик-танлов ҳамда фестивалларда фаол иштирок этиб юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

Ўз ижодкорлигини намоён этиш орқали 2023 йилнинг август ойида МДХ давлатлари ҳамда Best Publication илмий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган “Халқаро илмий-амалий” кўрик-танловда ўз илмий лойиҳалари билан иштирок этган. “Таълим ифтихори” кўрак нишони ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Best Publication” илмий кенгаши ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги микёсида ташкил этилган



“Ёш тадқиқотчи” халқаро илмий-амалий кўрик-танловларида қатнашган. “Профессинал таълимда тахсил олаётган ёшларнинг маънавийгини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, илм-фанга қизиқтириш, иқтидорли ёшларни саралаш” мавзусида тайёрлаган илмий лойиҳаси орқали “Ёш тадқиқотчи” кўрак нишони билан тақдирланган.

У ижодкор бўлиш билан бир қаторда, турли хил лойиҳаларда ҳам ўз фаолигини намоён этиб келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Экологик партияси вилоят кенгаши аъзоси сифатида ҳам кенгаш раҳбарияти кўмагида турли челленж ва марафонлар ташкил этиб, ёшларнинг ватанпарварлик ҳиссини ошириш учун хизмат қилаётгани кишини қувонтиради.

- Бўш пайтларимда шеър, мақола, ҳикоялар ёзиб тураман. Келажакда “Мард ўғлон” давлат мукофотини қўлга киритишни ният қилганман. Муваффақиятга фақатгина ҳаракат билан эришиши мумкин, - дейди Оғабек Ҳодиев

Оғабекнинг кейинги ижодий фаолиятига зафарлар тилаймиз!

Дилнавоз Тўхтаева,
“BYO” муҳбири.



Яқинда Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллик санасини кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ҳамда уни мамлакатнинг бугунги тараққиёт даражаси, юксалиш суръатларига муносиб тарзда нишонлаш тўғрисида сўз борган эди. Шунда “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган шиор остида ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилиши ҳам таъкидланган эди.

Худди шу асос ва шу шиор остида жорий йилнинг 30-31 июль ҳамда 1 август кунлари Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Оммавий ахборот воситаларида миллий контент яратиш масъулияти” мавзусида медиафорум ўтказилди. Ушбу медиафорумга республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатиб келаётган салкам 100 нафар журналист ва блогерлар етиб келишди. Бир ҳамда тўпланган ОАВ ходимлари медиафорумнинг илк қадамини Зангиота зиёратгоҳидан бошлашди.



“БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ,

Занги ота зиёратгоҳи

Маълум бўлишича, ушбу зиёратгоҳ ансамблининг қурилиши 14-асрда соҳибқирон Амир Темур буйруғи билан бошланган ва Мирзо Улдубек томонидан тугалланган.

Тарихга кўра, ушбу қадамжо яссавийлик тарикатининг пешволаридан бири бўлган ҳазрати Занги ота зиёратгоҳидир. Ажойиб кароматлар ва юксак ҳиммат соҳиби бўлган Занги ота асли араб наслидан бўлган. Ўрта Осиё ислом оламида кўзга кўринган мутафаккир ва донишмандлардан бири бўлган авлиё фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки, Хуросон халқлари орасида ҳам машҳур бўлган.

“Занги ота ҳазратлари Марказий Осиё минтақасида IX–XII асрларда юз берган биринчи илмий-маданий юксалиш, яъни илк Шарҳ Уйғониш даврининг намоёнаси, ўз замонида ҳикмат ва маънавият, дин ва тасаввуф ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир ва авлиё боболаримиздандир. Кўриниши жиҳатидан у киши қора танли, бақувват, барваста, яъни йирик ва бўйдор одам бўлганлари учун у кишига “Занги” деган нисбат берилган. Занги ота каби азиз-авлиёларимизга насиб этган илм ва маърифатдан барчамизни баҳраманд этсин. Буюк зотлар дуоси, ҳурмати ва шарофатидан юртимизни тинч, ҳаётимизни фаровон, фарзандларимизни илмли ва салоҳиятли зурриётлардан айласин!”-дейди зиёратгоҳ имом хатиби.



5 фарзандидан жудо она ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди

Иккинчи жаҳон урушида бир оиладан беш нафар фарзанди урушга кетиб, ҳеч бири қайтмаган оила дунёда учта бўлиб, иккитаси Беларусь ва АҚШда, яна бири Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова оиласидир. Она Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исми фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган.

Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш нафар ўғли, садақатли келинлари

хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатилган ҳамда унга “Матонат маҳжиси” деб ном берилган.

“Халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, тинчлик учун кураши ва улкан ҳиссасини ифодаладиган ушбу маскан оила, муҳаббат, вафо ва садақат тимсолига айланиб қолган. Ушбу қутлуғ маскан халқимиз учун зиёратгоҳга айланган”,- дейди Холмурод Салимов.

Журналистлар Ғалаба боғи марказида қад ростлаган ушбу обида пойига гулчамбар қўйилди.

Миллий контент нима?

Миллий контент бу — Ўзбекистон ичидаги сифатли медиамакон.

Бугун Ўзбекистонда миллий контент яратиш ва ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 13 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгаши йиғилишида миллий контент масаласига алоҳида тўхталиб, шундай деган эди:

“Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтайи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хоридан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгиллик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”.

Контент - ўз-ўзини ифода этиш, тарқатиш, маркетинг ва ёки напшр этиш учун нутқ, ёзув ёки хар хил санъат турлари каби бирор-бир восита орқали ифодланиши керак бўлган ахборот воситаси ҳисобланади. Бу борада бир неча жиҳатни фарқлай билишимиз лозим. Контент сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий, таълимга оид ёки кўнгилочар мавзуларда бўлиши мумкин. ОАВларни миллий контент билан тўлдиришда журналистлар билан бир қаторда, режиссер, рассом, турли креатив соҳалар мутахассислари, адабиёт, санъат ва маданият намоёндаларидан иборат ижодий жамоалар шакллантирилса ва улар ҳамкорликда ишлаши учун имконият яратилса, бугунги кун ўқувчиси, тингловчиси, томошабини кутаётган серкирра йўналишдаги асарлар қўпайишига эришамиз.

Медиафорум доирасида “Оммавий ахборот воситаларида миллий контент яратиш масъулияти” мавзусида ўтказилган анжуман Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимовнинг кириш сўзи билан очилди. Тўпланганлар орасида таниқли ва атоқли адиблару шоирлар, тажрибали журналист ва фаол намоёндаларнинг борлиги анжуман-

нинг қизгин мусохабаларга бой тарзда ўтишини таъминлади. “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев “Босма ОАВда миллий контент яратиш масъулияти” тўғрисида сўз юритган экан, бугунги кунда медиа маконда миллий контент яратиш зарурати хусусида тўхталди. Ёш журналистларни мукамал саводхонликка эга бўлишга чорлади.

“Газетачилик журналистикадаги энг қийин, энг масъулиятли ва натижаси билан энг хуштарғам, хушхид соҳа. Газетани ҳеч қачон силлиқлаштириб юбормаслик керак. Хокимият, ҳокимиятни ҳам аччиқ-аччиқ гапларга ўргатиш керак. Муסיқадаям фақат “Шошмақом”ни тинглайверсангиз, танингиз ҳам шунга мослашиб қолади. Кейин бирдангина шўх куйга ўтиб кетсангиз, танингиз чўчиб тушади. Демак, матбуот ҳамшиша пещқадам ва оғриқларга кўзу бўлиши керак. Ёлгонни ёзиб, “ура-ура” дегунча кўчани тозалайдиган супирги яхши, дейишади. Танқидий мақола ҳеч бўлмаса, икки-уч кишига таъсир қила олиши, мавжуд муаммони ҳал қилиш ҳақида уйламайдиган онгсиз онгларга етиб бориши керак. Шундагина у ютуққа эга бўлади”,- деди Аҳмаджон Мелибоев.

“Ёш журналистлар” Кенгашининг раиси Шухрат Орипов ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, бугунги кундаги журналистлар оддида турган муҳим вазифалар, муаммо ва ечимлар борасида фикрларини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директорининг ўринбосари Хушнудбек Худойбердиев ҳамда “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев “Ижтимоий тармоқлар учун миллий контент тайёрлаш ва яратиш масъулияти” мавзусида, “Янги Ўзбекистон”-“Правда Востока”-газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари Абулқасим Ҳуснов “Интернет нашрларида миллий контент яратиш масаласи” мавзусида маърузалар қилишди.

Анжуман қизгин баҳс-мунозара ва мулоқотларга бой тарзда кечди.



“Нурафшон зиёси”

Медиафорум доирасидан ўрин олган “Ҳоким ва журналистлар мулоқоти” дан илгари иштирокчилар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими маъмурий биноси, ходим ва ижодкорлар учун яратилган шароитлар билан танишишди. 10000 га яқин китоблар жамланган креатив кўринишдаги кутубхона иштирокчилар эътирофида бўлди. Шунингдек, уюшманинг вилоят бўлими қошида ташкил этилган “Нурафшон зиёси” – ёш журналистлар тўғраги фаолияти билан яқиндан танишув таасуротларга бой бўлди. Иштирокчилар хассос шоир Маҳмуд Тоир шеърларидан бахраманд бўлишди.



**“БИРЛАШСАК
ВАТАНМИЗ!”**

Ҳоким журналистлар ёнига келди

Медиафорум иштирокчилари Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг янги кутубхонасида вилоят ҳокими Зоир Мирзаев билан учрашди.

“Журналистларнинг вилоятимизга ташрифи ҳақида эшитиб, сизлар билан кўришиш истагимни билдириб, айнан журналистлар эмас, шахсан ўзим узоқ вилоятлардан келган журналистлар ёнига боришимни айтдим. Зеро, мен азал-азал журналистларни ҳурмат қиламан ва улар шунга муносиб”, - деди Зоир Мирзаев.

Салкам икки соатча давом этган учрашув қизгин муҳокабаларга бой бўлди. Маълумки, Зоир Мирзаев нафақат, раҳбар сифатида, балки журналистларга бўлган эътибори ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги билан ҳам кўпчилиikka яхши таниш.

Ҳоким мулоқот давомида ўзининг сирини “сотиб” қўйди.



“Сизларга шунини очиқ айтаманки, мен ижтимоий тармоқлардаги профилимга келадиган саволларга шахсан ўзим жавоб ёзаман. Кимдир ҳокимнинг матбуот котиби ёхуд ёрдамчиларидан бири унинг номидан жавоб ёзади, деб ўйлаши мумкин. Йўқ, бундай табиат менга ёт ва ҳар бир саволга ўзим жавоб ёзишдан эринмайман”, - деди ҳоким.

Зоир Мирзаев медиафорум мавзусига мурожаат қилиб, миллий контент ҳақида сўзлар экан, ўз фикрини қуйидагича билдирди:

“Миллий контент масаласида қисқа даврда натижага эришиш қийин. Мисол учун, биз ҳам (ҳокимлик назарда тутиляпти) журналистлар билан зарур даражада ўзаро яқинлаша олдик, деб ҳисобламайман. ...Ижтимоий тармоқлардаги саводсизларча ёзилган постларни кўриб, шулар ҳам қаердадир ўқиганмикин, деб ўйлайман...” - деди у.



Тилло юртнинг олтин томири

Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда етакчи бўлган, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та йирик корхонадан бири – **Олмалик кон-металлургия комбинатида ташкил этилган пресс-тур иштирокчиларга мароқ бағишлади. Маҳобатли кум барханлари ва ҳайбатли тоғ-тошлар оша чўғдек хизмат автомобилларида елдек учиб борар эканмиз, бу манзилларнинг йирик кон сифатида тан олинганга иқрор бўлдик.**

Республикамиз иқтисодийнинг асосий драйверларидан бири бўлган Олмалик кон-металлургия комбинатини тилло юрт саналган Ўзбекистоннинг олтин томири, деб бежизга айтишмаган.

Ушбу комбинатда мис, молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ишлари олиб борилади. Комбинати таркиби 6 та кончилик корхонаси, 20 дан ортиқ ёрдамчи цехлар ва лабораториялардан иборат.

35 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилишгаётган комбинат 17 хил маҳсулотни 16 та хорижий давлатга экспорт қилар экан. Дунёда маъдан таркибида олтин ҳажми бўйича йирик кон олтин ҳажми бўйича комбинат захиралари 1-ўринда, мис конларидаги маъдан ўртача олтин таркиби бўйича 2-ўрин, маъдан ҳажми бўйича 3-ўрин, таркибидаги мис ҳажми бўйича 6-ўринни эгаллайди.

Ҳозирги пайтда 2030 йилгача комбинатни ривожлантириш концепцияси тасдиқланиб, амалга оширилмоқда. Унинг доирасида

“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш ва 3-Мис бойитиш фабрикасини қуриш олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон тарихидаги энг йирик инвестиция лойиҳаларидан биридир. Унинг амалга оширилиши натижада комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга оширилиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида республика ялпи ички маҳсулоти ҳажми ўсишига ҳам хизмат қилади.

“Ҳозирда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш ва 3-Мис бойитиш фабрикасини қуриш доирасида йилига 60 миллион тонна маъданни қазиб олишга кон тўлиқ тайёрланди. Бунинг учун 170 миллион куб метр бўш тоғ жинслари қазиб олинди. Натижада, ҳозирда кон узунлиги 3,7 км, эни 2,3 км ва чуқурлиги 90 метрга етган. Бошқа фабрикалардан фарқли ўлароқ, коннинг ўзида маъданларни биринчи майдалаш-юклаш қурилмаси барпо этилди”, - дейди комбинат ахборот хизмати раҳбари.

Эътиборлиси, МДХ давлатларида ягона бўлган ва замонавий автоматлаштирилган бошқарув тизимига эга фабрика ҳам бўлиб, у комбинатнинг маъданни қайта ишлаш қувватини 100 млн тоннага етказди. Келгусида 4-Мис бойитиш фабрикаси қурилиши ҳам кўзда тутилган Мазкур мегалойиҳа мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиши билан муҳимдир.

Шунингдек, профессионал муҳандис-техник ходимларни қайта тайёрлаш мақсадида комбинатда Муҳандислик мактаби лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Осмонўпар шишаванд бинолар водийси

Физикавий электроника, ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, космик нурулар физикаси, гелиотехника ва юқори ҳароратларда материалшунослик соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган “Физика-қуёш материалшунослик” илмий ишлаб чиқариш институти қад ростлаган манзилга борсангиз, сизни ҳашаматли осмонўпар шишаванд бинолар водийси қарши олади, гўё. Баланд ва ложуванд шишаванд биноларнинг турли шаклларда тиклангани эътиборни тортмай қўймайди. 14

қаватдан иборат ташқи тор ва тикка темир шиллапоялардан кўтарилар экансиз, юқорилаган сари пастда қолаётган заминга кўзингиз тушиб, беихтиёр юрак ҳаприқиб, ҳаяжон бостанини ҳис қиласиз. Ишчи-ҳодимларнинг жуда нозик ва қалтис иш шароитида меҳнат қилишгаётганини англагандек бўламиз.

Мазкур институт асосий мақсадини янги материаллар, гелиотехнологиялар ва қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш, такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларини таҳлил қи-

лиш, муҳокама этиш ва илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратган.

“Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика соҳасидаги илк ташкил топган ушбу илмий институт ҳудудида Халқаро Қуёш энергияси институти ташкил қилинган. Бунда ўзбекистонлик ҳамда хорижий олимлар ҳамкорлигида амалий тадқиқотлар олиб борилади. Институтда пилот қуёш энергетик қурилмалари ва фотовольтаик энергия тизимларини ишлаб чиқариш намуналари жойлашган ноёб қуёш полигони мавжуд. Институт-

нинг илмий-тадқиқот ишлари илмий лабораторияларида амалга оширилади. Институт олимлари ҳар йили яратилган янги ишланмалари ва услублари учун ўрта ҳисобда 20дан ортиқ фойдали модел ҳамда ихтиро патентларини қўлга киритмоқдалар”, - дейди институт ходими.

Ўзбекистонлик олимлар нуфузли ва йирик халқаро экспериментларда иштирок этишлари ҳам айтиб ўтилди. Бу жаҳонда Ўзбекистон фани нуфузини янада кўтарилишига ҳамда ўзбекистонлик ёш олимлар ва докторантларнинг ўз тадқиқот соҳаларида илғор замонавий билим, кўникма ва тажрибага эга бўлишларига имкон беради.

...Мен КИТОБ ЎҚИМАЙДИГАН АВЛОД шаклланишидан қўрқаман!

...Анча йиллар олдин Германиянинг Франкфурт шаҳрида ҳар йилги халқаро китоб ярмаркасига бордик. Тадбир ўтқандан бинонинг пештоқига “Дунёни китоб кутқаради”, деб ёзиб қўйилганди. Бир қараганда, бироз истеҳзоли бу эътироф, барибир, кишини ўйга солиши, мулоҳазага чорлаши, тайин.

Бироз чанг тортиб қолган мўъжазгина китоб жавонингизни очиб, қанча ўқилса ҳам зериктирмайдиган китобларни бир сидра қўлга олиб, варақлагингиз келмайдими?.. Бу уйда қолишнинг мазмунини бойитиб, маънавий бўшлиқни тўлдириб, ҳаётимизга ажиб бир маъно бахш этган бўларди-ку!

Ахир китобга қайтиш виждонга, ҳақиқатга, инсофга, адолатга, маънавият ва маърифатга, умуман олганда, ҳаётга қайтишдир!

Китоб мутолааси бўйича ислохотларни ҳар биримиз, аввало, оиладан бошлашимиз керак эмасми?..

Китоб ўқиш инсонни тарбиялайди, уйлашга, мулоҳаза-юритишга чоғлайди, яхши-ёмонни ажратишни билдириб боради. Фақат ўзига манфаатли аснода ҳаракат қилишдан асраб, кенгроқ, ижтимоийроқ, кўпни ўйлаб, юрт, мамлакат миқёсида, унинг манфаатлари доирасида фикрлашни ўргатади, тафаккурни кучайтиради.

Мутолаанинг инсон учун манфаати кескиз. Хусусан, у шундай катта кудратга эгаки, инсоннинг руҳиятини тозалайди, уни тарбиялайди, адолатга чорлайди, ҳақиқатни сезиш туйғусини юксалтиради, эшик ортидаги ҳаётни кўришга ундайди. Китоб ўз мавқеига

қараб, қалбни тириктирувчи, шуурни уйғотувчи, ҳақиқатни билдирувчи, инсонни тарбия қилувчи, жамиятни покловчи бир омилдир.

Энг асосийси, китоб ўқиган одамдан ёмонлик чиқмайди!

Прокурор биродарларим санкцияга қўл қўётганда, хонасида бўлганман. Маҳбусларни олиб чиқиб кетишгач, ҳукми олиб, атай ўқиб чиққанман. Мақсадим - бирортаси китоб ўқиб бўлиб, жиноятга қўл урганми, йўқми, шунга аниқлаш эди.

— Йўқ, бунақаси йўқ.

Бирорта ҳам ҳолатда китоб ўқиб бўлиб, ўрнидан туриб, жиноятга қўл урган эпизод йўқ, - деганди ўша вақтда Оҳангарон шаҳри прокурори бўлиб ишлаган қадраним Муҳиддин Мусаев.

Лоақал, шунинг учун ҳам китоб ўқиш керак-ку, ахир биродарлар!

...Олти-етти йил аввал Корея Республикасининг Пажу шаҳ-

рида “Китоблар шаҳарчаси” ташкил этилди. Бундан мақсад — инсонлар қалбини китобга, адабиётга ошно этиш...

...Немислар янги йил байрамида бир-бирига китоб совға қилади. Бу миллат дунёда энг кўп китоб ўқийдиган, деб эътироф этилиши бежиз эмас.

Бу эътироф японлар, хитойлар, ҳиндларга нисбатан ҳам айтилади. Агар холис бўлиб, бу рўйхатнинг бирор муштарак жиҳатини ахтариб кўрсангиз, улардаги ривожланиш, тараққиёт шундан эканига амин бўласиз. Демак, миллатнинг тараққиёти ҳам кўп жиҳатдан китоб орқали эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Яратганингиз гўзал неъматини шуки, китоб ҳада этиш буюк аждодларимиздан, шарафли салтанатларнинг улугларидан келмаётган қутлуг анъанадир. Чунончи, ҳазрат Навоий айтиди:

Не мулк ичраки бир фармон юбордим,

Анинг забтига бир девон юбордим.

Бу гўзал байтдан маълум бўладики, китоб — яхшилик ва пок ният, дўстлик ҳамда тинчлик, самимият ва ҳамкорлик элчисидир...

Френсис Бекон “Китоблар вақт тўлкинларида кезиб, ўзининг қимматбахо юқини авлоддан-авлодга ташиб ўтаётган тафаккур кемаларидир”, деганда минг марта ҳақ эди.

Бундан ортиқ, бундан ошириб, бир гап айтиб бўлмайди. Хулоса шуки, агар биз ҳозир, аввало, ўзимиз китоб ўқимасак, болаларимизни айнан шу кунларда китоб ўқишга ўргатолмасак, кейин ўргатолмаймиз.

...Мен китоб ўқимайдиган авлод шаклланишидан қўрқаман!

Ахрор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

Ижод бўстони Бахтин изларкан Одам

Шеърларимни айтдим сабога,
Бир ўйноқи елдию-кетти.
Ҳисларимни айттим дарёга,
Тугёнлари ирмоққа етти.

Меҳр бериб ҳар хасу-тошга.
Замин узра тўлсин муҳаббат.
Тақдир тоши текканда бошга,
Англолмадим бу не синоат?

Англаганим - вақт олий ҳакам,
Сира ортага қайтмайди ҳеч ҳам.
Ва билдимки, Одам бўлмоқ бахт,
Ва шу бахтни изларкан Одам!

Дейдилар...

Оқар сувга боқ, дейдилар,
Зулмат орти оқ, дейдилар.
Умринг сувдек ўтар илло,
Ўтмас андуҳ йўқ, дейдилар...

Ғанимат бил, танда жонни,
Айблайверма, кўп замонни,
Гир айлан, кез жаҳонни,
Тақдир-ёй, сен-ўқ дейдилар.

Аллоҳ берса, ризқ-насибанг,
Ҳаққин адо этар билсанг:
Фақир ҳолин сўраб қўйсанг,
Кўнгил мулкнинг тўқ, дейдилар.

Савоб излаб, кеча-кундуз,
Яхшилигинг этсанг кўз-кўз.
Ассаломинг ҳам миннат-сўз,
Миннат ажри чўз, дейдилар.

Раҳматулла, элдан сўз ол,
Қаломингдан уялсин бол.
Еган ошинг бўлса ҳалол,
Ҳизрга йўлиқ, дейдилар...

Раҳматулла Темиров

КИТОБДА ҲИД БОР, ТОТ БОР...

Биз, аввало, оилавий муҳитда китобхонлик савиясини оширишимиз зарур. Оиладан аёлларимиз тунда фарзандларига халқ достонларини эртақларидан сўйлаб беришса, маъқулроқ бўлади. Эртақлар эшитиб уйкута кетган бола эрта тонгда ўз оламида маълум тасаввурларига эга бўлиб уйғонади.

Худди шунингдек, мактаб ўқувчилари орасида ҳам китобхонлик маданиятини юксалтириш учун буюк алломалар ҳаёти, ижоди, уларнинг асарларидан парчалар ёки эпизодлар намойиш қилиб бориш ўринли. Зеро, китоб қалбларни ёритиши, кўнгилларга илиқлик улашади.

Компьютер ёки қўл телефонидан фойдаланган ҳолда қилинган мутолаа китобнинг ҳидини, унинг тотини бера олмайди, деб биламан. Бу балки ёшлар учун қизиқдир, аммо менинг негандир, бундай мутолаани ҳам қилишим қийинроқ.



Султон Нуриддинов,
ўқитувчи.

ИНСОНИЙ МЕҲРНИ КЎРМАЯПМАН

Болалигимда хонадонимизда турди китоблар бўларди. Отам мадрасада дарс берганлари учун қачон қарамайлик, қўлларидан китоб тушмасди. Ёдимда, ўлимлари олдида “Китобларим бир чеккада қолиб кетмасин, варақларини йиртманлар, иложи бўлса, мадраса кутубхонасига топширинлар”, -дея чин кўнгилдан васият қилгандилар.

Бугун ўйланиб қарасам, ёшларимизда китобга бўлган ана шундай инсоний меҳрни кўрмаяпман. Алламбало замонавий ускуналарни қўлларидан қўйишмайди ва вақтларини бекорчи нарсаларга сарфлашади. Бир набирамнинг айтишича, эндиликда матнларни овозли вариантларидан эшитса ҳам бўлар экан. Бу қандай усул бўлди, билмадим.

Барибир, китоб азиз, болаларимизга кичик-



лигидан эртақлар, ривоятлар ўқиб берсак, шеърлар, маталлар ёдлатсак, мутолаага ҳам меҳри ошади. Менинг ҳамроҳим — кўзойнак, унинг ёрдами билан ҳалигача китоб варақлайман. “Дунёда илм излаб яшаган инсон Аллоҳга яқинлашади!” — дердилар раҳматли отам. Қанийди, бу ҳикматни барча ёшларимизга англата олсак...

Каромат ая, пенсионер.

БОЛА БОШИДАН...



Ўғлим Абдул Азиз 7 ёшда. Одатда кўчада таниган-танимаганига салом беради. Бугун бозорга тушдик. Абдул Азиз бир савдогарга салом берди-да, кетидан: "Ишларингизга ривож берсин, амакижон!" - деди. Туйқусдан савдогар чўнтагини ковлаб, ўғлимга пул бермоқчи бўлди-да, сўнг кийимига қараб, қўлини чўнтақдан олди. Кўрмасдан тиланчи, деб ўйлади, шекилли. Савдогарнинг шериклари ҳам анча донг қотиб қолишди, биз узоқлашганимиздан сўнг "Нима деди, нима деди?" деганларини эшитиб қолдим.

Ўғлим орқада енгил юкларни кўтариб борарди. Кимгадир салом берди. Кимнингдир таажжуб билан "Менгами? Ва алайкум..." деганини эшитиб орқага ўтирилдим. Одинок кийинган қари аравакш экан. У юкни ташлаганча ўғлимнинг олдида келди-да, сўрашиб: "Худо рози бўлсин! Менга анчадан бери салом бермай қўйишган эди..." - деди.

Зайнаб Комилова



ИРИМЛАРГА ИШОНАСИЗ...(МИ?!)

- Онангиз ўргатмаганми, келин, супургини тикка қўйиб бўлмайди, бунақада уйимизга мусибат олиб келасиз. Менга беринг, супургини, қўшни "холамиз" ҳар кунги жаврашларини бошлади, қандай "ўқмаган" келинсиз-а, супургини қўлга бермайдилар, ерга ташлайдилар.

бидъат, ҳар бир бидъат залолат, деган жумлани ўқидим-у, бу мазуда ёзиб хато қилмаётганимни англадим.

Тирноқ олишни қайсидир "махсус" кунга боғлайдиганлар, ёки тунда олиш, оёқ ва қўл тирноғини бир вақтда олиш мумкин эмас, дейдиганлар ҳам ишга топилади. Энг қизиғи, салгина тафаккур қилинса, бу "фалсафа" аслида ўйлаб топилган сафсаталиги англашилади. Бундайларга қарата, тирноқ қачон ўсса олинаверади-да, дегим келади.

Аслида, меҳмон кетгач, орқасидан супурилса, хўроз бемаҳал кичирса, чап ковок учса, сафар ойида тўй қилинса, дуо қилинаётганда дастурхон устида туз ёки пичоқ бўлса, биров тишлаган нонни еса, шомдан кейин сут тарқатса, одамнинг эгнида кийим чатилса, ҳеч бир ёмонлик содир бўлмайди. Бахт ёки бахтсизлик синиқ ойнага қарашга, пешонанинг кенглигига, қўрпача ёки хонтахтанинг бурчагига ўтиришга боғлиқ эмас.

Агар Аллоҳ зиён етказмаса, олам бир бўлиб ҳам сизга зиён етказолмайди. Уйингизга осилган тақа-ю исирик, шода-шода кўзмунчоқ, кези келганда ўзини асролмайди-ку, сизни қандай асрасин?! Белгиланган ризқ эса чойдаги пуфакларни пешонангизга суртмасангиз ҳам, бирин-



Дарвоқе, "ирим-сиримлар қиролчи" деб ном олган қўшнимизнинг ҳар бир вазиятга ғалати ёндашиб, воқеа-ҳодисалардан "магия" излашлари бир қарашда кенг тарқалган ҳолат бўлса-да, бунинг асосий сабаби диний билимларимизнинг камлигида.

- Қизим, келинг тасадуқ, вой остонадан хатланг, остонада кўришиш хайрсиз, - қўшнимиз ўз гапларига астойдил ишониб қошларини чимирди. - Келин, чойдан қўйинг, - чойдаги пуфакчаларни бошига суртаркан, давом этди, - ўзи ўнг қўлим анчадан бери қичишяпти. Пенсия келадими, дейман...

Одамлар орасида турли хилдаги ирим-сиримлар талайгина. Қора мушук йўлини кесиб ўтиб қолса, қалампир ёки аччиқ нарсаларни қўлдан-қўлга берса, чап кафт қичишса, бойўғли сайраса бу ҳолатларни бахтсизликка боғлайдиганлар жамиятда топилади.

Келин, биргаликда бир ирим тарихини кўриб чиқамиз. Айримлар остонада ўтириб, унинг устида кўришиб бўлмайди, деган сафсатага ишонишади. Гап шундаки, қадим замонларда ўликларнинг кули уй остонаси тагига қўмилган. Шунинг учун остонада туриб, олди-берди қилиш уларнинг руҳини безовта қилиши мумкин, деб ҳисобланган. Бундан ташқари, остона - беҳавотир уй билан хавfli дунё ёки яна ҳам қўрқинчлиси - тириклар дунёси билан ўликлар дунёси ўртасидаги чегара ҳисобланармиш. Ана шунақа гаплар...

Бу мақолани ёзишдан олдин анчагина манбааларни кўриб чиқишимга тўғри келди. Аслида, бировнинг ишонч-у эътиқодини чиппақка чиқариш фикридан йироқман. Аммо ирим-сирим



чи савдо қилинган даромадни сотиладиган нарсаларга уриб чиқмасангиз ҳам, ўнг кафтингиз қичишмаса ҳам манзилингизни топиб келавереди.

Аёлларни-ку, иримга ишонса, аёл-да, деб қўямиз. Аммо эрталаб йўлини аёл кесиб ўтса, шумланадиган эркалар ҳам борлиги ачинарли ҳол. Юлдуз учса, қайсидир тақдирнинг сўнгани, дея таърифлайдиганлар, аслида, юлдузлар инсондан олдинроқ яратилганлиги ҳақида тафаккур қилсалар саз бўлар эди. Бешикни икки киши кўтариши мумкин эмас, дегувчиларнинг гапида ҳеч бир мантқиқ сезмаймиш.

Дарвоқе, "янгилик" яратишга ўчларга қарата сермахсул ижодингизни инсониятга фойда келтирадиган кашфиётлар қилишга қаратинг, дегим келади.

Ситора Шамсиддинова

FAST FOOD дан тийишлинг!

Самарадорлик калити – тезлик, деб умрни ҳам

тезлаштирамайлик

Техника-технология ривожини инсон ҳаётини йилдан-йилга тезлаштирипти. Машиналар тез, самолётлар, техникалар, интернет, буюртмалар пишириш ва етказиб бериш каби соҳалар тез. Чунки самарадорлик калити – тезлик. Очқирок қилиб айтганда, ҳозир одамлар бир неча ўн йил аввалгилардан анча тез ишлашяпти. Чунки улар оддий кундалик ишларга кам вақт сарфлаб, бор эътиборларини ишга қаратишмоқда. Мисол учун, улар овқат пиширишга ёки ресторанларда уни кўтиб туришга вақт сарфлашмоқда.



Шунчаки, яқиндаги ошхонадан фаст фудлар билан тамадди қилишади. Ёки телефон орқали буюртма бериб, бир неча дақиқа ичида фаст фудларни қабул қилишади. Бу танлов ҳар тамонлама қўлай, тез, ҳамёнбоп, мазали ва шу билан бирга тўйимли ҳам. Энди ўйлаб кўрайлик, агар улар шу вақт мобайнида уйга бориб, овқат тайёрлашса ёки ресторанга кириб, қиммат овқатнинг тайёр бўлишини кутишса қанча вақт, қанча куч ва қанча пул сарфлашади. Бундан ташқари, фаст фудларни уйда тайёрлаш ҳам анча осон. Айниқса, ишдан ёки ўқишдан келганда энг қўлай усул.

Лекин, минг афсуски, фаст фудларни сурункали истеъмол қилиш соғлиқ учун анча қимматга тушади. У қанчалар қўлай бўлмасин, бу билан унинг соғлиқка келтирадиган зарарларини оқлаб бўлмайди.

Тез тайёрланадиган овқатлар эмизли, қандли диабет, юрак хуружи, инсулт ва саратон касалликларининг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Бундан ҳозирда кўпгина одамлар хабардор. Лекин, ҳеч ким билмайдиган, пайқамайдиган энг хавfli жиҳати – бу унинг ақлий касалликларни келтириб чиқариши. Медицина тилида айтадиган бўлсак, фаст фудлар мия ҳужайраларига таъсир қилиб, ақлий салоҳиятни камайтиради. Шундай экан, фарзандингизнинг мактабдаги баҳолари пасаяётган бўлса, хотираси

билан муаммолар бўлса, эътибор беринг, у фаст фудлардан кўп истеъмол қилаётган бўлиши мумкин.

Америкалик олимларнинг аниқлашича, қачонки калория қон босимини тез котириб юборса, унда бунинг драматик, биологик таъсири бор. Улар оддий 200 калорияли оқ нон ва 200 калорияли нўхатни ҳазм қилинишини ва таъсирини органганлар ўтказишади. Ошқозонга тушган оқ нон тезда оддий шакарга айланиб, 5-10 дақиқа ичида қонга сўрилади. Бу эса инсулиннинг тезда кўтарилишини талаб этади. Тез ортиб кетган инсулин танада бир неча соатлаб қолиб кетади. Жайдари тилда айтганда, саҳр даражаси кўтарилиб кетади. Нўхатда эса бу жараён аксинча кечади. У ҳазм қилиш учун бир неча соат талаб этади. Натижада озукавий моддалари қонга секин сўрилади. Шунинг учун ҳам тана инсулинга эҳтиёж сезмас экан.

Фаст фудларнинг бундай зарарлари борлигини билгандан сўнг одамлар ундан бутунлай воз кечади, деб ўйламайман. Чунки фаст фудларни истеъмол қилиш бизнинг ҳаёт тарзимизга кириб бўлган. Уларни меъёрида истеъмол қилиш унчалик зарарли ҳам эмас. Ҳаёт тарзимизни ва пул топишни тезлаштирмаман деб, ўлимимизни ҳам тезлаштирамайлик. Фаст фудлардан бироз тийилайлик.

Дилнура Тўраева

ТОҒЛАРГА ЧИҚҚАНЛАР ТОҒ БЎЛИБ ҚАЙТАР



Ҳазрат Али Бува зиёратгоҳи

Кун иссиқ. Офтоб тиғи куйдирай, дейди. Зиёратта қадам ранжида қилган ҳамкасблар ташна ҳолда ўзларини булоқ суви жилोलаниб оқаётган чашмага уришди. Кафтларни тўлдириб, сувдан қониб ичар экансиз, беихтиёр Яратганга ҳамд келтириб, Ҳазрат Али Бува ҳақиқа қўллар дуога тортасиз. Танингиз ором олиб, руҳиятингиз енгил тортади.

Маълум бўлишича, Паркент тумани Кумушқон қишлоғи "Чашма" маҳалласининг энг юқори қисмида жойлашган. Дастлаб 1982 йилда Кумушқон қишлоғи аҳолиси томонидан ҳашар йўли билан 1 та хонақоҳ ва 1 та айвон барпо этилган. 2010 йилда маҳаллий усталар томонидан қайтадан таъмирланган. Зиёратгоҳда 3 та хонақоҳ, 1 та айвон мавжуд. Қишлоқ одамларининг ривоят қилишича, Пайғамбаримизнинг

Улкан тоғларга ёндош Паркент тумани бўйлаб саёҳатда журналистлар туризм салоҳиятидан баҳраманда бўлишди.

Билдирилишича, ўтган йил Паркент туманига 50 мингга яқин хорижий ва 900 мингга яқин маҳаллий сайёҳлар меҳмон бўлишган. Кумушқон ва Чашма қишлоқларига расман "туризм қишлоғи" мақоми берилган.

"Кумушқон, Чашма ва Сўқоқ қишлоқлари табиати, тоза ҳавоси, яшаш тарзи, маданий мерос объекти ва зиёратгоҳлари билан минглаб сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Бунда гастротуризм, экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми каторига жорий йилда экстремал

туризм кўшилди. Ҳисорак қишлоғида "Жампинг", яъни арқондан ташлаш экстремал туризми ташкил этилди. Яна Самсарак қишлоғига саёҳат қилганлар ҳаво шарида сайр қилишди", - дейди суҳбатдошлардан бири.



қуёвлари Ҳазрати Али шу жойда намоз ўқиган эмиш. Айрим ривоятларга кўра, унинг қамчисидан, яна баъзи бирларида қайд этилишича, ҳассасидан чинор дарахти кўкариб чиққан экан.

"Бу чинор ҳозир ҳам яшнаб турибди. Ушбу муқаддас жойда 5 та булоқ бор. Булоқлардан чиқаётган сув кумушга тўйинган бўлиб, таркибидоғи 60 дан ортиқ микроэлементлар ошқозон-ичак касалликлари учун шифо саналади", - дейди ҳамроҳимиз.

Тоғларга чиққанинг барчаси айтар,
Мангу яшил гули, арчаси айтар,
Тоғларга чиққанга улуглик ёрди,
Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар.

Асрлар ҳикматин сўйлайди тошлар,
Булар тош эмас, мангу бардошлар,
Ёмонлар юзига тортилган парда,
Бу тошларга томган не-не кўз ёшлар.

Бунда булоқларга дил очсанг қани,
Арчалар бошидан гул сочсанг қани,
Тоза ҳаволарда тоблангай одам,
Тоғларда қиш эмас, оқлик чамани.

Минг йиллик сирларга гувоҳ бу тоғлар,
Поклик, гўзалликка наноҳ бу тоғлар,
Тубанлик қилганлар тубанда қолди,
Одамлар оҳидан огоҳ бу тоғлар.

Мен тоғда бир нафас ўзимни топдим,
Ахтарган самовий сўзимни топдим.
Кунда кўрганига кўникиб кетган,
Ҳеч нарса кўрмаган кўзимни топдим.

Пастда бор таъвишу гавзолар қолди,
Товонда чирмашган изволар қолди.
Тоғларда тиз чўкиб англаганим шу,
Оқ-оттоқ ниятлар огушга олди.

Маҳмуд Тоир

Фикр, муносабат, миннатдорлик

Зиёрат билан бошланиб, зиёрат билан яқун топган медиафорум ҳам миллий, ҳам анъанавий таассуротларга бой бўлди. Ҳақиқатда, шоир айтмоқчи, тоғларга чиқиб, гўё тоғ бўлиб қайтдик. Ҳам шижоат, ҳам ғайрат жўшди, ижоду истеъдод жон олди қайта.

Суюн Намозов,
"Шарафли йўл"
газетаси
бош муҳаррири:



Улғвор тоғларга, баайни узукка гавҳар кўздек, ярашиб турган Паркент Ижод уйи нафақат пойтахт вилояти, балки бутун мамлакатимиз ижодкорлари учун мароқли дам олиш маскани сифатида хизмат қилмоқда. Бу ерда бўлсангиз, баайни хориждаги курортга тушиб қолгандек, ўз-ўзидан яйраб кетасиз.



Ойбек Алижонов,
ижтимоий тармоқ
фаоли, блогер:

"Мени қувонтиргани, бундай нуфузли медиафорумда профессионал журналистлар билан бир қаторда биздек ҳаваскор, ижтимоий тармоқ фаолларининг ҳам иштирок этиши бўлди"

Қувончой Шержанова,
"Naqiqat yo'lida.uz"
электрон нашри
бош муҳаррири:



Медиафорумдан Хоразмга қайтгач, бир олам таассуротларимни оиламдагиларга, дўст-ёрларга, ҳамкасбларга завқ билан сўзлаб бердим. Миллий контент тушунчасининг нақадар кенг, пурмаъноли эканлигини англаб етганимдан тортиб, қизгин учрашуви саёҳатларгача. Ҳавас қилишди.

Нурафшону Олмаликдаги бекиёс бунёдкорликлар, Паркент тоғларининг пурвиқор ва кўркемлиги, муқаддас зиёратгоҳлар, ҳамма-хаммаси бир-бири билан узвий боғланиб кет-

ганлиги гувоҳи бўлдим. Ва асосийси, Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев билан бўлиб ўтган жонли мулоқотда маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарларининг журналистлар ва блогерлар билан ҳамкорлик масалалари, жамиятда, ҳудудларда мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимиди ОАВ ва блогерларнинг ижодий ҳамкорлиги ҳамда фаоллиги хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашдик...

Райҳон Менгзияева,
"Қумқўрғон садоси"
газетаси бош муҳаррири:



Икки кунлик медиафорум давомида ўзим учун кўплаб маълумотларга ва янгиликларга эга бўлдим. Барчамизнинг устозимиз бўлган Аҳмадjon Мелибоевнинг олтинга тенг маърузасини севиб тингладик. Эътиборимни Тошкент вилояти ҳокимлигида барча хоналарида ташкил қилинган радио тўлқинларнинг узатилиши тортди. Олмалик кон металлургия комбинатида жадаллик билан барпо этилаётган бинолар ва иш кўламининг ортиб бориши барчамизни ўзига жалб этди.

Наргиза Машарипова,
"Фарғона тонги" газетаси бўлим мудир:



Медиафорум бағишлаган шукуҳни таърифлаш қийин. Асосий жиҳати, Тошкент вилояти ўз салоҳиятини, республикамиз иқтисоди ривожидида тутган ўрнини намойиш этди. Форум юксак савияда уюштирилди. ОАВ вакиллари бир бирига яқинлаштирди, дўстлар орттирдик, тажрибалар ўргандик. Ўрганганларимни шогирдларимга ўргатаман, иш фаолиятимда намуна сифатида татбиқ қиламан.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Jamol Nosirov
Gulnora Samiyeva
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Buxoro bosmaxonasi" MCHJda
1173 nusxada bosildi.

Bosmaxona manzili:
Buxoro shahri, I. Mo'minov ko'chasi, 27-uy
Tel: (0365)223-25-38

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 09.08.2024 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga bulin.